

XDP

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№28, 2022-yil
15-iyul, juma
(32.722)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

Ўзбекистон – Туркменистон:

ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ – БОШ ВАЗИФА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Самимий учрашувдан сўнг биродар мамлакат делегацияси "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, у ерда Туркменистон Президенти Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Сердар Бердимухамедов мажмуа меъморий ечимлари ҳамда композициясининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари билан батафсил танишди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонга ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонларнинг ушбу муҳташам мажмуа билан танишуви анъанага айланган.

Ўзбекистон чуқур умумий тарихий илдишлар ва ягона дин, тил, маданият, миллий анъана ва урф-одатлар ўхшашлигига асосланган муносабат ила боғланган Туркменистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Асрлар мобайнида тинч, ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги муносабат кейинги йиллари янада мустаҳкамланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклик теран, кўп асрлик қалин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойили асосида муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовни кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов махсус шохсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт бергач, давлат раҳбарлари қоровул сафи олдида ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини қутладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига эҳтиром кўрсатдилар.

Сўнг Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг



Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

– Улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ришталари ётади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчиси Туркменистон Президентини жорий йил март ойида ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклади.

– Донишманд туркман халқи мамлакатдаги кенг кўламли ислохотлар давом эттирилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сизга ўз келажагини ишониб топширди. Сизнинг билим ва тажрибангиз, куч-ғайратингиз ва

етақчилик қобилиятингиз қўзланган барча режаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатларда юксак даражага эришишга ва Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссасини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида ижобий суръатга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

– Шунинг қайд этмоқчиманки, биз учун Туркменистон – минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги

интилишимиз қатъий, энг яқин қўшнигимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидამиз, – деди Президентимиз.

Туркменистон Президенти меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисининг саломини етказди.

– Сиз Гурбангули Мянлиқгулиевич билан биргаликда икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини қурдингиз ва мустаҳкамладингиз, ҳамкорликнинг пухта сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратдингиз. Бу галги давлат ташрифимиз стратегик шерикликка янги суръат бағишлашга қаратилган ва мен қўйилган мақсадларга эришишимизга ишонман, – деди Сердар Бердимухамедов.

Давоми 2-бетда. ▶



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди

2022 йил 14 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги ПФ-164-сон Фармони тасдиқлаш масаласи кўрилди.

Қайд этилганидек, мазкур фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2

июлдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-164-сон Фармонининг 2-бандидаги "соат 21:00 дан соат 07:00 га қадар" сўзлари "соат 23:00 дан соат 05:00 га қадар" сўзлари билан алмаштирилмоқда.

Мажлисда кун тартибидagi масала тасдиқланди ва Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.



ҲОКИМЛАР ДЕМОКРАТИЯНИ ҚўЛЛАЙДИ

Ҳокимлар маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик қилиши – нотўғри. Бу фикрни давлатимиз раҳбари бир неча йилдан буюн такрорлаб келмоқда. Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қондани Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келгани таъкидланди.

Узоқ муҳокама қилинаётган муҳим масала бўйича ҳокимларнинг ўзлари нима дейди?

3 САҲИФА

Янги рукн:
Ўзи билмайди!

ПОЛКОВНИК
ШУҲРАТЖОН
СОТВОЛДИЕВ

7 САҲИФА



ҲОКИМЛАР ДЕМОКРАТИЯНИ


Қўллайдми

ҲОКИМЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШИ – НОТЎҒРИ. БУ ФИКРНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ТАКРОРЛАБ КЕЛМОҚДА. ҲОКИМЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА ҲАМ БОШЧИЛИК ҚИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҚОИДАНИ КОНСТИТУЦИЯДАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАШ ВАҚТИ КЕЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.

ҲОКИМЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВАКОЛАТИНИ АЖРАТИШ МАСАЛАСИДА ЖАМИЯТИМИЗДА, МУТАСАДДИЛАР ЎРТАСИДА ҚАРАМА-ҚАРШИ ФИКРЛАР,

ҚАНДАЙДИР ЗИМДАН КУРАШ БОРГА ҲАМ ЎХШАЙДИ. КАТТА МУТАХАССИСЛАРДАН БИРИ БИР КУН "БУ МАСАЛАНИ УЗИЛ-КЕСИЛ ЕЧИШ КЕРАК", ДЕСА, ЭРТАСИГА ЯНА БИРОВ "БИЗ ҲАЛИ БУНИ МУҲОКАМА ҚИЛМАСЛИГИМИЗ КЕРАК", ДЕЙДИ.

УЗОҚ МУҲОКАМА ҚИЛИНАЁТГАН МУҲИМ МАСАЛА БЎЙИЧА ҲОКИМЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?



» **ШУ КУНГА ҚАДАР ИЖРО ОРГАНИНИНГ ҲАМ, НАЗОРАТ ОРГАНИНИНГ ҲАМ РАҲБАРИ БИР ШАХС БЎЛГАН. МАСЪУЛИЯТ ҲАМ, МАЖБУРИЯТ ҲАМ УНИНГ ЗИММАСИДА. ҲАМ ҚАРОР ЧИҚАРИБ, ҲАМ ИЖРОСИНИ ЎЗИ АМАЛГА ОШИРИБ, УСТИГА-УСТАК БАҲО БЕРУВЧИ ҲАМ УНИНГ ЎЗИ БЎЛГАН.**



Самандар АСТОНОВ,
Булунғур туман ҳокими:

— Айни вақтда юртимизда ниҳоятда бир муҳим сиёсий жараён давом этмоқдаки, бу ҳам бўлса "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасидир. Дарҳақиқат, жонанжон ватанимиз келажигига бефарқ бўлмаган, ўзининг тақдири, фарзандларининг келажигига бефарқ бўлмаган бирор юртдошимиз – Ўзбекистон фуқароси ушбу муҳим сиёсий жараёндан четда турмаслиги керак, деб ўйлайман. Сабаби, Бош қомусимиз ўзида халқнинг хоҳиш-иродасини акс эттириши лозим. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциянинг муаллифи халқ бўлади!

Конституциявий қонун лойиҳаси Бош қомусимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиришлар киритишни назарда тутди. Бундан ташқари, 6 та янги модда билан 16 та янги меъёр киритилмоқда.

Уларнинг аксарияти мазмун-моҳиятига кўра, "инсон – жамият – давлат", "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жумладан, парламент ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини ажратиш масалаларини ҳам ўз ичига олган.

Масалан, қонун лойиҳасининг 99-моддасида куйидаги тартиб тақлиф этилмоқда:

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Тегишли ҳудуддаги ижроия ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг сайлови тартиби қонунда белгиланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг фаолиятини ташкил этиш қонун билан тартибга солинади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари муддати – беш йил.

Янгидан ташкил этилган маъмурий ҳудудий бирликларда халқ депутатлари Кенгашларига сайлов халқ депутатлари Кенгашларига навбатдаги умумий сайловларга қадар бўлган даврдан ошмайдиган муддатга ўтказилади.

Юқоридагилардан англашиладики, тақлиф этилаётган янги тартиб бўйича келгусида вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимлари бир вақтнинг ўзида ҳам ижроия ҳокимияти, ҳам вакиллик органига бошчилик қилмайди!

Мазкур янги тартиб шу вақтгача амалда бўлган айрим тушунмовчиликларга барҳам берибгина қолмасдан, халқ ҳокимиятининг янада мустақамланишига ҳам олиб келади. Олайлик, шу вақтгача вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари қарор чиқарган бўлса, шу қарор халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳам тасдиқланган. Кенгаш раиси эса ҳоким. Яъни, **ҳоким ўзи чиқарган қарорини Кенгашда ҳам ўзи бошчилигида тасдиқлаган. Бу эса айрим ҳолларда бир қанча тушунмовчиликларга сабаб бўлган.**

Янги тартиб асосида халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қиладиган бўлса, ҳокимларнинг ваколатлари камайиб, халқ вакилларининг ваколатлари, шу билан бирга, масъулияти ошади. Демакки, келгусида халқ вакилларининг обрўйи, халқнинг ишончи, талаби ҳам ортади. **Бу эса, албатта, аҳолининг сиёсий жараёнларда фаоллигига сабаб бўлади ҳамда сайловларда фидойи ва ташаббускор кишиларни депутатликка сайлашга ҳаракат қилишади.**

Ўйлайманки, келгусида Кенгашда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётда фаол, аҳоли ичига кириб, дарду ташвишини тушуна оладиган, муаммоларни фаол кўтариб чиқа оладиган, том маънода халқ вакилига айлана оладиган депутатларнинг етишиб чиқишини вазиятнинг ўзи тақозо этади. Бу эса ўз ўрнида **жамият ривожига хизмат қилади. Аслида ҳаммамизнинг ҳам пировард мақсадимиз шу эмасми?! Умуман олганда, ушбу тақлиф ғоят ўринли бўлиб, мен туман ҳокими сифатида уни қўллаб-қувватлайман.**



Ботиржон МИРЗАҚУЛОВ,
Сирдарё туман ҳокими:

— Янги тартибга кўра, эндиликда Кенгаш раҳбарлари ҳокимлар бўлмайди. Депутатлар (орасидан сайланган вакил) қонунга кўра, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб боради. Аввало, бу жуда ҳам тўғри қарор, деб ўйлайман. Чунки, ҳар битта туман, шаҳар раҳбарининг ишини назорат қиладиган, сўраб турадиган, керак бўлса, тергаб турадиган ташкилот ҳар бир ҳолатдан, реал ҳаётдан бохабар бўлиши лозим. Бу ўз ўрнида ҳокимларга ҳам, депутатларга ҳам қўшимча масъулият юклайди.

Яъни, шу кунга қадар ижро органининг ҳам, назорат органининг ҳам раҳбари бир шахс бўлган. Масъулият ҳам, мажбурият ҳам унинг зиммасида. Ҳам қарор чиқариб, ҳам ижросини ўзи амалга

ошириб, устига-устак баҳо берувчи ҳам унинг ўзи бўлган.

Депутатлар эса ҳокимнинг сўзи-сўз, деган ақида билан иш тутган. Андиша, юз-хотирчилик каби менталитемизга хос тушунчаларга асосан жим турган. Жим туриш эса, депутатларга қайсидир маънода дангасалик ҳам солиб қўйган бўлиши мумкин. Чунки талаб қила олиш учун сабаб, етарли асос бўлиши зарур. Бу эса тинимсиз ишлаш, одамлар ҳаётдан хабардорлик ва беҳаловатликни талаб этади. Қарабсизки, сиз ҳам куймаган, кабоб ҳам.

Кенгашнинг раиси бўлиб, ҳоким ўзига маъқул бўлган, ўзига, ўзининг сиёсатига тўғри келадиган тақлифлар, тавсияларни қўллаб-қувватлаган. Масалан, кадр танлаш, фондларга пул тақсимоти, очик бюджетнинг тақсимоти бор. Буларнинг ҳаммасини ҳоким ўз истакларига кўра ўтказадиган бўлса, олдинги ҳолатдан фарқи қолмайди. Ўзгаришлар халқ ҳаётида сезилмайди. Шунинг учун, ҳокимларнинг ҳисобдор бўлиб, бу жараёнларнинг барчаси Кенгаш олдида муҳокама қилиниб, ҳокимлар ҳамда ҳудуддаги ташкилот ва идоралар раҳбарларидан сўров бўлса, бу албатта, масъулиятни оширади.

Хусусан, менинг тепамда жавоб берадиган орган

бўлса, зиммамдаги масъулият бўлади, ваъда берсам, унинг устидан чиқиш учун ишлашим, бор имкониятим билан ҳаракат қилишим керак бўлади. Бериладиган кўрсатма, топшириқларни бажаришга ҳаракат қиламан. Чунки, маълум вақт ўтгандан кейинги йўғилишда зиммамга олинган топшириқ учун жавоб бериш мажбурияти туради. Агар бу масъулият бўлмаса, иш ортага сурилиши, масалага енгил қараш мумкин. Бу инсонга хос бўлган энг оддий ҳақиқатлардир. Бунда фақатгина ҳокимлардан эмас, барча мутасадди раҳбарлардан халқ вакиллари халқ номидан сўрайдиган бўлса, бу, албатта, олиб борилаётган сиёсат, ислохотлар самарадорлигига хизмат қилади.

Конституциявий қонун лойиҳаси билан ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам раҳбарлик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда, халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимларнинг ваколатлари алоҳида мустақамлаб қўйилмоқда. Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам раҳбарлик қилмаслиги эса депутатларнинг ваколатини оширади. Халқнинг ишончини мустақамлайди. Поракўрлик, алдов, кўзбўямачилик каби масалалар кескин камаяди.

Бу аввало, халқ манфаатига хизмат қилади. Яъни, ислохотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади.

Тўғри, мен ҳам ҳокимлик вакилиман. Бироқ бундан аввал халқ ва унинг вакилиман. Уларнинг манфаатига хизмат қилувчи ҳар қандай ўзгариш мамлакат тараққиётига ҳам муносиб туртки бўлади. Масалан, **бирор бир ҳудуд ҳокими ижро органи бўла туриб, ўзини ўзи назорат қила олмайди. Ўзига баҳо беришда айрим хато ва камчиликларга кўз юмиб кетиши мумкин.**

Конституцияга киритилаётган бу ўзгариш айтганимдек, масъулиятнинг янада ошишига, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига хисса қўшади. Ҳокимлар ҳар бир хатти-ҳаракатини янада чуқурроқ ва атрофлича ўйлаб, кейин амалга оширади. Токи, у (ҳоким қарорлари – таҳририят) халқ манфаатига зид бўлмаслигини таъминлайди.

"Ўзбекистон овози" муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.





Ҳалима НЕЪМАТОВА,
Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари,
шаҳар Кенгаши депутати:

— Шу кунга қадар татбиқ этилган меъёрлар давр талабидан келиб чиқиб, ўша муҳит замон ва маконга мос бўлган. **Айни пайтда эса баъзи нарсаларни ўзгартириш, янгиликларни жорий этиш, керак бўлса, айрим қондалардан воз кечиш вақти келди.** Шулардан бири Конституциямизнинг тегишли моддасидан ҳокимлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига раҳбарлик қилиши масаласи олиб ташланмоқда.

"Ўзгидрометеорология" марказининг шошилинич хабар беришича, жорий йилнинг 17-22 июль кунлари Ўзбекистон ҳудудига Туркменистон орқали эрон ҳудудларидан иссиқ ҳаво кириб келиши сабабли кундуз кунлари ҳаво ҳарорати қорақалпоғистон республикасида, хоразм, бухоро, навоий, қашқадарё, сурхондарё вилоятларида 44-47° гача, тошкент, самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 42-45° гача, фарғона водийси вилоятларида 41-43° гача кўтарилади.

46+



17-22 июль кунлари эҳтиёт бўлинг!

Республика бўйича баъзи жойларда шамол чанг-тўзонлар билан 15-20 м/с гача кучайиши кўтилмоқда. Айрим жойларда шамол 22-25 м/с гача кучайиши мумкин.

Иссиқ ҳаво тўлкини давомли (5 кун) бўлиши прогноз қилинмоқда. Жуда кўп қабат тармоқларга бу иссиқликнинг таъсири яққол сезилади. Тошкент вилояти, хусусан, пойтахт учун ҳам +45 даражалик иссиқ ҳарорат рекорд даражадаги иссиқлик кўрсаткичидир.

Ўзбекистонда 25 июндан 3 августгача бўлган қирқ кунлик давр, халқ анъаналарига кўра, "чилла" ёки "саратон" деб аталади, бу форс тилида "қирқ кун" деган маънони англатади, – дейди "Ўзгидрометеорология" маркази мутахассиси Наргиза Эргашева. – "Чилла" Ўзбекистон иқлимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзда қизиган чўллар устида юқори ҳароратли ва намлиги кам бўлган тропик ҳаво массалари шаклланади, бу ёзнинг ўрталарида булутли, қуруқ ва иссиқ об-ҳавони белгилайди.

Одатда, ҳароратнинг энг юқори қийматлари аслида "чилла" даврига тўғри келади. Шундай қилиб, бу йил ҳам "чилла"нинг бошланиши жорий йилнинг биринчи иссиқ тўлкинларига тўғри келди.

Метеорологик кузатувларнинг барча йиллари давомида энг иссиқ ёз ойларида ҳаво ҳарорати кўпчилик вилоятларда баъзи жойларда 44-46° гача, Қизилқум чўлида ва республиканинг энг жанубида 48-49° гача кўтарилган. Тошкентда кузатувларнинг барча йиллари давомида энг юқори ҳарорат 1997 йил 18 июль куни қайд этилиб 44,6° ташкил этган.

Таъкидланишича, кузатилаётган бундай жазирама кунларда биринчи навбатда, бош кўёш нуридан асраш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бош миядан катта артерия, вена қон томирлари ўтган бўлиб, куннинг иссиқ вақтида бош яланг юрганда бош қизиб, бутун танада иссиқ қон айланиб, инсонларни офтоб уришига олиб келиши мумкин.

Бунинг оқибатида тана ҳароратининг кўта-

рилиши, терининг қизариши, ҳолдан тойиш, нафас олиш ва пульс тезлашиши, юракнинг тез уриши, бош оғриши, бош айланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, ҳушдан кетиш ҳолатлари кузатилаши мумкин.

– Ҳароратнинг кўтарилиб бориши тўғрисидаги хабарлар оқимидан кўпчилик ҳавотирга тушиши мумкин, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Қизилгул Қосимова. – Лекин у даражада ҳавотир қилишга ўрин йўқ. Боиси, иссиқдан сақланиш қоидаларига амал қилинса, бу саломатлигимизга зиён етказмайди. Иссиқ пайтида терлаш оқибати организм сувсизланиши, қоннинг қуюқланиши натижасида соғлигимизда муаммо келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун бу вақтда кўчага кўп чиқмаслик, имкон қадар салқин жойларда сақланиш тавсия этилади.

Бир кунда 3 литрдан кўпроқ тоза, оддий сув ичиши ёки шарбатлар истеъмол қилиш мумкин. Ҳар хил энергетик ичимликлардан

узроқроқ бўлган маъқул. Улар организмда моддалар алмашинуви оқибатида салбий ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин.

Ёши катталар ва беморлар салқин жойларда бўлишлари керак. Кийинишга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Ёрқинрок, оқ рангли ҳаво ўтказадиган, пахтали матолардан тикилган либослар маъқул бўлади.

Айни пайтда қоронавируснинг янгича тури кўпайиши ҳам иссиқ вақтларга тўғри келаётганини унутмаслигимиз керак. Қолаверса, Афғонистонда вабонинг келиб чиқиши ҳам иссиқ пайтда озиқ-овқат, сувларга микроб тушиши оқибатида тарқалиши кўпроқ кузатилади. Тоза сақланиш, сувда чайиниш, қўлларни мунтазам ювиб туриш, жамоат ичида мулоқотда бўлмасликка ҳаракат қилиш лозим. Ниқобда юришни ҳам алоҳида таъкидлаган бўлардим. Вирус, инфекциялар айнан иссиқ пайтда авж олаётганини эътиборга олган маъқул.

Гулруҳ Сайфитдин қизи.



"САРМИШ" – БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси Учқудуқ ҳудудий бошқармасига қарашли "Сармиш" болалар соғломлаштириш оромгоҳида 700 нафардан зиёд ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Замонавий қулайликларга эга оромгоҳда ҳар бир бола ўз иқтидорини намоён этиши, сеvimли машғулоти билан шуғулланиши учун барча имконият яратилган. Мавсум давомида оромгоҳда бисер, юмшоқ

ўйинчоқлар тикиш, хайкалтарошлик, рассомчилик ва аппликация тўғрақлари ишлаб турибди.

Китоб фонди гоятда бой кутубхона ва Маънавият маркази доимо болалар билан гавжум. Дарвоқе, оромгоҳда "Сармиш радиоси" ташкил қилинган. Бу ерда бўлғуси журналистлар оромгоҳ ҳаётинан қизиқарли радио эшиттиришлар тайёрлайдилар.

Ў.А.

Ўқувчилар олдидан масъулмиз



Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқувчиларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Бизнинг таълим масканди ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мактаб 1990 йилда қурилган бўлиб, 2014 йилда қайта таъмирланган. Айни пайтда 450 нафар ўқувчи таълим олади. 45 нафар ўқитувчи ўқувчиларга ўз билим ва тажрибаларини ўргатиб келмоқда.

Дарслар замонавий методикалар асосида ўтишга, технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтиришга ҳаракат қилинапти. Мактаб ўқувчилари турли фан олимпиадаларида вилоят, туман миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Муассасада ўқитувчиларнинг ўз устида доимо ишлаши ва касбий тажрибасини ошириб бориш учун қўшимча курслар ташкил этилган. Ҳар чоракда

мониторинг олиб борилиб, рейтингини баланд ўқитувчи ва ўқувчилар рағбатлантириб борилади. Бу эса албатта, ўқувчиларни олимпиада ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирокитини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мактабимиздаги ахборот-ресурс марказида мингдан ортиқ бадиий китоб бўлиб, таълим олувчилар улардан самарали фойдаланишмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор, психолог ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари синфлар кесимида назорат тушунтириш ишларини олиб боради.

Таълим сифатини оширишда оналар билан кўпроқ ишлаб, ўқувчилар ўртасида маънавий тadbирлар, фанлар кесимида заковат ўйинлари ўтказилиб, мактабимиз туман миқёсидаги спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллашган.

Ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал ривожланган, билимли ва тафаккур олами кенг ёшларни тарбиялаш педагог ходимларнинг асосий мақсади саналади. Ана шу эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишимиз керак.

Холида ҚИЛИЧЕВА,
Булунғур тумани 17-умумий ўрта таълим мактаби директори.

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Muslihididdin MUHIDDINOV

Ulug'bek VAFOYEV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Maqsuda VORISOVA

Shuhrat ISLOMOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liq TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 741. 1850 nusxada bosildi.

O'zA yakuni — 00:20.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

Topshirilgan vaqti — 01:40

t — Tijorat materiallari

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.